

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

Илҳомжон Ахмедович Турсуналиев

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти ректори, профессор

tursunaliyev1971@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жисмоний тарбия ўқитувчиларини малака ошириш тизимини, яъни катталар таълимини такомиллаштириш бўйича Германиядаги халқаро марказ ва институт фаолияти ҳамда Европадаги “Curriculum globALE” ўқув дастурининг моҳияти баён этилган.

Калит сўзлар: узлуксиз касбий ривожлантириш, малака ошириш, халқаро тажриба, лойиҳа, “Curriculum globALE” дастури, катта ёшлилар таълими.

IMPROVING THE SYSTEM OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT TEACHERS OF PHYSICAL CULTURE: ANALYSIS OF FOREIGN EXPERIENCE

ABSTRACT

This article describes the activities of the international center and institute in Germany to improve the system of professional development teachers of physical culture, i.e. improvement of adult education, as well as the essence of the educational program “Curriculum globALE” in Europe.

Keywords: continuing professional development, training, international experience, project, “Curriculum globALE” program, adult education.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб бормоқда.



Бу эса жисмоний тарбия ўқитувчиларини малака ошириш тизимини такомиллаштириш жараёнида ҳам халқаро тажрибани ўрганишни тақозо қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом талабларига кўра, “шахс касбий салоҳиятининг индивидуал ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ҳаёт давомида ўсиши жараёнига – узлуксиз касбий ривожлантириш” [1; 4] – деб ҳуқуқий баҳо берилган.

Бу борада хорижий тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, катталарга таълим бериш Немис институти – “Лейбниц (DIE) номидаги бутун умр таълим олиш Маркази” [2] ҳамда DVV International – “Халқ университетлари Немис асосиясининг Халқаро ҳамкорлик институти” [3] фаолиятини педагогик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур таълим муассасаларининг бевосита ва (ёки) билвосита иштирокида, яъни катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган халқаро касбий стандартлар “Curriculum globALE” ўқув дастури асосида сўнгги йилларда катталарга таълим берадиган ўқитувчилар учун касбий ихтисосликлар қайта кўриб чиқилган бир қатор Европа тадқиқотлари ва лойиҳалари амалга оширилган. Мазкур муассасалар томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг бир қисмида катталарга дарс берадиган ўқитувчилар қандай (асосий) компетенцияларга эга бўлиши керак, деган масалани тадқиқот қилинганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Қолган (бошқа) лойиҳалар эса, ўз навбатида, катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун аниқ/конкрет восита/усуллар портфелини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиб, ушбу воситалар орқали аввалдан мавжуд бўлган компетенцияларни тан олиш (эътироф этиш) учун қўлланилган ва (ёки) қўшимча компетенцияларни ривожлантиришга эҳтиёжларни аниқлашга қаратилган, шунингдек узлуксиз касбий таълимни режалаштириш учун ҳам ишлатилган. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, ўзининг халқаро миқёсда марказий ўрин аҳамиятга эгаллиги ва стандартларни белгилаш мақсадлари (мезонлари) туфайли ушбу лойиҳалар ва ишлаб чиқилган касбий ихтисосликлар “Curriculum globALE” ўқув дастурларини ишлаб чиқишда алоҳида қизиқиш уйғотган.

НАТИЖАЛАР

Фикримизча, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини узлуксиз касбий малака ошириш тизимини



такомиллаштиришни ижтимоий заруратини ифодалашда куйидаги Европа тадқиқотлари ва моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади:

I. “Европада катталар учун малакали ўқитувчи (AGADE)” лойиҳаси [4; 8]:

Ушбу лойиҳа доирасида Эстония, Ирландия, Литва, Латвия, Норвегия, Португалия, Швеция ва Венгриялик ҳамкорлар Европада катталарга дарс берувчи ўқитувчилар учун минимал стандартларни ишлаб чиқишган, шунингдек ушбу стандартлар асосида ташкил этиладиган ўқув курслари учун ўқув режаларни ҳам тайёрлашган. Мазкур стандартлар катталарга таълим берувчи ўқитувчи томонидан бажарилиши керак бўлган куйидаги: 1) ўқитувчи, 2) маслаҳатчи/консультант, 3) фасилитатор ва 4) тренер каби тўртта ролни ўзида мужассам этган. Лойиҳага мувофиқ, жами 16 та мезон ишлаб чиқилган ва улар гуруҳларга бўлинган. Мазкур мезонлар йўналганлигига қараб, алоҳида шахсларга қаратилган ва (ёки) касбий соҳага тааллуқли бўлган мезонларни ўз ичига қамраб олган.

II. “Катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг норасмий ва информал таълим олиш жараёнида эгаллаган психологик-педагогик компетенцияларини тан олиш (VINEPAC)” лойиҳаси [4; 8]:

Германия, Франция, Мальта Руминия ва Испаниялик ҳамкорлар ўзаро биргаликда амалга оширилган лойиҳалар доирасида катталар таълими (малака ошириш – таъкид Т.И.) соҳасида фаолият олиб борадиган ўқитувчилар (тренерлар)нинг психологик-педагогик компетенцияларини тан олиш воситалари ишлаб чиқилган. “Validpack” деб номланадиган ушбу восита компетенцияларнинг табақалашган моделини ўзида мужассам қилган бўлиб, куйидаги: “билимлар”, “ўқитиш/бошқариш”, “баҳолаш ва таълим сифатини ошириш”, “йўналтириш/қизиқтириш ва маслаҳат бериш” ва “шахсий ва касбий ривожланиш” каби бешта блокни у ўз ичига қамраб олган.

III. “Европа малака талабларининг 6- ва 7-даражалари ўртасида катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун касбий маҳоратни оширишнинг мослашувчан усуллари (Flexi-Path)” лойиҳаси [4; 8]:

Лойиҳа Германия, Эстония, Буюк Британия, Италия, Руминия, Швейцария ва Испаниялик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилган бўлиб, унда тадқиқотчилар томонидан катталарга таълим берувчи юқори малакали ўқитувчилар учун компетенцияларни аниқлаш воситалари (портфели) ишлаб чиқилган. Портфелдан ўрин олган мезонлар орқали ўқитувчилик фаолияти доирасида келиб чиқадиган “режалаштириш”, “бошқариш” ва “раҳбарлик қилиш” каби вазифалар учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган катталарга таълим берувчи

ўқитувчиларга тааллуқли бўлган учта йўналишдаги компетенцияларни (“таълим – одамлар – амалиёт”) аниқлашга муваффақ бўлинган. Шу ўринда мазкур воситани (портфелни) фақат Европа малака талабларига асосланганлигини назардан четда қолдирмаслик зарур бўлади.

IV. “Катталар таълими соҳасидаги мутахассисларнинг асосий компетенциялари” лойиҳаси [4; 9]:

Ушбу лойиҳа, асосан, Голландиянинг “Research voor Beleid” институти томонидан ўтказилган бўлиб, унинг мақсади умумевропа тадқиқотлари мезонига мувофиқ Европада катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг асосий компетенцияларини аниқлашга қаратилгандир. Шунингдек, лойиҳанинг устувор вазифаларига “Катталар таълими соҳасидаги мутахассисларнинг асосий компетенциялари”нинг тегишли талабларини ишлаб чиқиш ҳам ўрин олган. Мазкур талаблар (мезонлар) катталарга таълим бериш касбий (малака ошириш – таъкид Т.И.) соҳасини тўла қамраб олган бўлиб, у ўз ичига барча мавжуд касбий роллар ва вазифаларни мужассамлаштирган. Лекин, таҳлилларга кўра, мазкур лойиҳа доирасида катталар таълимининг алоҳида соҳалари (йўналишлари) ва (ёки) яқка тартибдаги касбий роллари ўзаро бири-биридан фарқланмаган. Назаримизда, дастлабки ишлаб чиқилган талаб ва (ёки) мезонлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги касбий ролларни бири-биридан ўзаро фарқлашга ҳамда танланган спорт тури учун таянч нуқта (компетенция)ларни тушунтириб беришга хизмат қилади.

V. “Малакали ўқитувчи (QF2Teach)” лойиҳаси [4; 9]:

Мазкур лойиҳа ҳам Германия, Буюк Британия, Италия, Нидерландия, Польша, Руминия, Швеция ва Швейцариялик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилган. Лойиҳа доирасида ҳамкор мамлакатларда ўқитувчиларнинг аниқ бир иши мазмун моҳиятидан қатъий назар узлуксиз таълим тизимида уларнинг қайси компетенцияларни эгаллашлари кераклигини белгилаб берадиган эксперт баҳолаш методи ёрдамида тадқиқот ўтказилган. Кенг қамровли тадқиқот натижалари асосида тўққизта асосий компетенцияларни ўз ичига олган каталог ишлаб чиқилган.

Шунингдек, “Таълим 2030” концепциясига мувофиқ муаллифлар жамоаси [5] томонидан (2021) ёзилган “Curriculum globALE: катталар ўқитувчилари учун компетенция асослари” деб номланган монографияда “Curriculum globALE”нинг қисқача портретига қуйидагича таъриф берилган. “Curriculum globALE – бу бутун дунё бўйлаб катталар ўқитувчиларини тайёрлаш учун модулли ва малакага асосланган асосли ўқув дастуридир. Қисқача айтганда



катталар таълими ва таълим соҳасидаги асосий компетенция, яъни эришиш мумкин бўлган малака даражаси – бу асосан таълим муассасасида ишлайдиган катталар ўқитувчисининг амалдаги касбий маълумоти ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқув режасида тавсифланган ўқув натижалари курс ўқитувчилари, инструкторлар, тренерлар, маърузачилар, фасилитаторлар ва шу тоифа шахслар ўз ишини бажаришдан олдин эгаллаши лозим бўлган малакадир” [5; 13].

2013-йил [6] ҳисоботларига кўра, “Curriculum globALE” ўқув дастурлари жорий этилганидан бери кўплаб минтақавий, миллий ва трансчегаравий ҳамкорлик лойиҳалари доирасида, катталар таълимининг ваколат талабларини, стандартларини аниқлаш, шунингдек, касбий таълим ва малака ошириш (Vocational education and training) каби катта ёшлилар учун ўқиш ва таълим (Adult learning and education)нинг муайян соҳаларида ўқитувчилар ва мураббийларга мўлжалланган махсус таълим тизимини шакллантириш бошланган [6].

ЮНЕСКО “Lifelong Learning” институтининг “Катта ёшлилар таълими ва ўқиш бўйича глобал ҳисобот 3” да [7] катталар таълими учун ўқитувчиларни тайёрлашда сифатни ошириш муҳим деб ҳисобланиши алоҳида эътироф этилган. Ва яна ҳисоботда ҳар бир мамлакат ўз ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида, уларнинг бандлик шароитлари ва касбий мослашашувидаги ютуқларини баҳолашга диққатини қаратиши мақсадга мувофиқ деб саналган [7].

ЮНЕСКО “Lifelong Learning” институтининг 2019-йилги сўровларига асосланган, “Катта ёшлилар таълими ва ўқиш бўйича глобал ҳисобот 4” да [8] эса сўровларда иштирок этган жами 157 аъзоси бўлган иккита Уюшма давлатлари ичидан 52 фоизи (76 та мамлакат) катта ёшлилар таълими ўқитувчилари учун чақирувга тайёргарлик, 70 фоизи (105 та мамлакат) малака ошириш жараёни қамрови, 58 фоизи (79 та мамлакат) эса катта ёшлилар учун ўқиш ва таълимдаги ўқитувчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланганини қайд этишган [8].

МУҲОКАМА

Юқоридаги лойиҳалар натижаларини ҳисобга олган ҳолда, биз томонимиздан ишлаб чиқилган, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисида Низом [9] талабларига кўра, “...таълим дастурлари ва меҳнат бозорининг таклифлари асосида, таълимнинг тегишли тури ўқув-тарбия жараёнининг мониторинги натижалари ва



мутахассислар тайёрлаш сифатини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган модуллар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштириш – бевосита малака ошириш” [9; 7] – дея белгиланди.

Р.С. Саломовга кўра, “жисмоний тарбиянинг умумий тизими” куйидагичадир (1-чизмага қаранг).

Йўналтирилган ғоявий тамойиллар, мақсад, вазифалар	
Илмий-методик концепция	
Дастур мазмуни ва меъёрий асослари	
Мажбурий курс	Мустақил машғулотлар
Ташкил қилишнинг давлат шакли	Ташкил қилишнинг жамоатчилик шакли
Жисмоний маданият амалиёти тизимининг ишлаши учун шароит	
Тиббий-педагогик тизим назорати	
Професионал кадрларни тайёрлаш ва махсус илмий-текшириш муассасалари	
Ахборот билан таъминланганлиги	
Моддий-техник база	

1-чизма. Жисмоний тарбиянинг умумий тизими ва унинг ишлаш шароити [11; 18]

И.И. Ҳожибоев (2021) фикрича, “Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида тингловчиларда мустақил ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этиши лозим. Чунки, олий маълумотли, кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга педагоглардан қисқа муддатда катта ҳажмдаги маълумотларни эслаб қолиш, ёдлашни талаб қилиш тескари натижа бериши мумкин” [10; 8].

Назаримизда, айнан, “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти” фанининг асосий тушунчалари “Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт” йўналишида тайёрланаётган бакалаврларнинг фундаментал билимларини шакллантиришдаги асосий қадриятлардан бири сифатида баҳоланади.

ХУЛОСА

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини узлуксиз касбий малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий заруратидан келиб чиқиб, аввало, биз бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлиги жараёнини тизимли таҳлил қилиш зарур бўлади.

Жараёнга аксиологик ёндашув асосида ўз муносабат позициямизни текшириб кўришимиз мақсадга мувофиқ саналади.

Бунда бизга Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Низомий номидаги Тошкент давлат

педагогика университетларида “Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт”, “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” йўналишлари учун ўқитиладиган “Мактабгача таълимда жисмоний тарбия” (1-курс), “Спорт педагогик маҳорати асослари (МБТЖТ)” (1-курс), “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти” (2-курс), “Бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт” (3-курс) фанларининг фан дастурлари ва (ёки) силлабуслари таҳлил қилиниши лозим.

Мазкур фан дастур ва (ёки) силлабуслар берилган маруза ва амалий машғулотлари мавзулари доирасида аксиологик ёндашув асосида бўлажак жисмоний тарбия йўриқчи(ўқитувчи)ларнинг педагогик тайёрлигини такомиллаштириш имкониятлари белгиланади.

REFERENCES

1. <https://lex.uz/ru/pdfs/5828765>
2. <https://www.die-bonn.de/>
3. <https://www.dvv-international.de/en/about-us/profile>
4. Maja Avramovska, Tania Czerwinski, Susanne Lattke. Curriculum globALE. – Bonn: Institut für Internationale Zusammenarbeit des Deutschen Volkshochschul-Verbandes e. V. (DVV International), 2015. – 44 p.
5. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000377422>
6. CEDEFOP (European Centre for the Development of Vocational Training]. 2013. Trainers in continuing VET: Emerging competence profile. [pdf] Luxembourg, Publications Office of the European Union. Available at: <https://files.eric.ed.gov/fulltext/ED542560.pdf> [Accessed 10 July 2020].
7. UIL. 2016. Third Global Report on Adult Learning and Education: The impact of adult learning and education on health and well-being; employment and the labour market; and social, civic and community life. [pdf] Hamburg, UIL. Available at: <https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/grale-3.pdf> [Accessed 10 July 2020].
8. UIL. 2019. Fourth Global Report on Adult Learning and Education: Leave no one behind: Participation, equity and inclusion. [pdf] Hamburg, UIL. Available at: <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000372274/PDF/372274eng.pdf.multi> [Accessed 10 July 2020].
9. <https://lex.uz/docs/-6093267>
10. Хожибоев И.И. (2022). Малака ошириш жараёнида курс тингловчилари касбий компетентлигини шакллантиришнинг айрим масалалари. *Замонавий таълим / Современное образование* 2021, 11 (108). – 3-8-бетлар.
11. Salomov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati. Darslik. – Toshkent: «ITA-PRESS», 2014. – 296 b.

